

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР 13

3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 19

4. АДILКАРИЕВА Феруза

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ 26

5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 36

7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 42

8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o'g'li

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТАРАФЛАР ИХТИЙОРИГА БОГ'ЛИҚ ВО'ЛМАГАН HOLATLAR
BO'YICHA BEKOR QILINISHINING UMUMIY TAVSIFI 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. ЮНУСОВ Ҳайдарали

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ 61

11. МАХАМАТОВ Махмуд

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 69

12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 74

13. РАШИДОВА Комила Искандаровна

ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ 81

14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	87
15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ	91
16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	102
18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ	107
19. ЮЛДАШЕВА Говхержан САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	112

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

Тошкент давлат юридик университети “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси
доценти в.б., юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: rasulovjurabek1982@gmail.com

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАСУЛОВ Ж.А. Меҳнат соҳасида бирлашиш эркинлиги принципіга оид халқаро стандартларнинг ҳуқуқий табиати // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 74-80.

 6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада меҳнат соҳасидаги фундаментал ҳуқуқлардан ҳисобланган бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш принципнинг мазмуни таҳлил қилинган. Муаллиф универсал ва минтақавий даражада қабул қилинган халқаро шартномалар, хусусан, ХМТнинг иккита фундаментал конвенцияси - Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сон ҳамда Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 98-сон конвенцияларнинг асосий хусусиятларини ёритган. Бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокаралари олиб бориш ҳуқуқи ХМТнинг бутун фаолияти давомида энг муҳим қадриятлари ҳисобланиши, бугунги кунга келиб ХМТ доирасида бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш масалаларига алоқалар халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи шаклланганлиги ҳақида хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқи, ХМТ, касаба уюшмалари, иш берувчилар бирлашмалари, “ижобий” ва “салбий” бирлашиш ҳуқуқи.

РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

И.о.доцента кафедры Международного права и прав человека
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: rasulovjurabek1982@gmail.com

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА МЕЖДУНАРОДНЫХ ТРУДОВЫХ СТАНДАРТОВ О ПРИНЦИПЕ СВОБОДЫ ОБЪЕДИНЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется содержание принципа свободы объединения и права на ведение коллективных переговоров, которое считаются фундаментальными правами в сфере труда. Автор освящает особенности универсальных и региональных международных договоров, в частности, фундаментальных конвенций МОТ - Конвенции о свободе объединения и защите права на объединение в профсоюзы (№87) и Конвенции о праве на объединение в профсоюзы и на ведение коллективных переговоров (№98). В заключении сделан вывод, что свобода объединения и право на коллективные переговоры являются важнейшими ценностями МОТ на протяжении всей его деятельности, что на сегодняшний день, в рамках МОТ сформировался

комплекс международно-правовых актов, касающихся вопросов свободы объединения и коллективных переговоров.

Ключевые слова: право на объединение и коллективные переговоры, МОТ, профсоюзы, объединения работодателей, “позитивное” и “негативное” право на объединение.

RASULOV Jurabek

Acting Assistant Professor of the Department of International Law and Human Rights of Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: rasulovjurabek1982@gmail.com

THE LEGAL NATURE OF INTERNATIONAL LABOUR STANDARDS ON THE PRINCIPLE OF FREEDOM OF ASSOCIATION

ANNOTATION

This article analyzes the content of the principle of freedom of association and the right to collective bargaining, which is considered fundamental rights in the field of labor. The author highlights the features of universal and regional international treaties, in particular, the fundamental ILO conventions - Freedom of Association and Protection of the Right to Organise Convention, 1948 (No. 87) and Right to Organise and Collective Bargaining Convention, 1949 (No. 98). The author concludes that freedom of association and the right to collective bargaining are the most important values of the ILO throughout its activities, that today a set of international legal acts has been formed within the framework of the ILO concerning issues of freedom of association and collective bargaining.

Keywords: the right to association and collective bargaining, ILO, trade unions, employers' associations, the “positive” and “negative” right to association.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 1998 йилда қабул қилинган Меҳнат соҳасидаги асосий принциплари ва ҳуқуқлари декларациясининг 2-моддасида белгиланишича, барча аъзо-давлатлар, ҳатто ХМТнинг тегишли конвенцияларини ратификация қилмаган бўлса ҳам, ушбу ташкилотга аъзолиги туфайли, бундай Конвенцияларнинг мавзуси ҳисобланган асосий ҳуқуқларга тааллуқли бўлган принципларни ҳурмат қилиш, уларни астойдил ва ташкилот Уставига мувофиқ қўлланилишига кўмаклашиш мажбуриятига эга [1]. Бундай асосий ҳуқуқлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

а) бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини тўлиқ эътироф этиш;

б) зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг барча шакллари бартараф этиш;

с) болалар меҳнатини қатъий ман этиш;

д) меҳнат ва иш турлари соҳасида камситилишга йўл қўймаслик.

Бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокаралари олиб бориш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари бўйича асосий универсал халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган. 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддаси тўртинчи банди ҳар кимнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини, 20-моддаси эса бирор-бир уюшмага аъзо бўлишга мажбурлашнинг тақиқланишини назарда тутди [2]. Ҳар бир инсоннинг бошқалар билан бирлашмалар тузиш, жумладан қасаба уюшмалари ташкил этиш эркинлигига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай бирлашмаларга кириш ҳуқуқига эга эканлигига оид қоидалар 1966 йилги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддасида кўзда тутилган [3]. Мазкур ҳуқуқнинг мазмуни 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8-моддасида янада батафсил ёритилган [4]. Ушбу ҳужжатда ХМТнинг мазкур масалага тааллуқли фундаментал конвенцияларининг асосий қоидалари кўзда тутилган.

Бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокаралари олиб бориш ҳуқуқи бутун ХМТ фалсафаси учун асос бўлган энг муҳим қадриятдир. Ташкилотга аъзолик, ушбу масала бўйича ҳар қандай махсус конвенцияларни ратификация қилиш фактидан қатъи назар, ХМТ Уставига қўшилиш асосида ушбу ҳуқуққа риоя қилишни назарда тутди. 1944 йилдаги Филадельфия декларацияси ХМТ Уставига илова бўлиб, унинг 6-банди, биринчи хатбошиси “сўз эркинлиги ва қасаба уюшма фаолияти доимий тараққиёт учун зарур шартдир” [5] деган қоидаларни

кўзда тутати. Декларациянинг 3-бандида ХМТнинг дунё мамлакатлари томонидан “ишлаб чиқаришни ташкил этишни доимий равишда такомиллаштиришда жамоа музокараларани олиб бориш ҳуқуқини самарали тан олиш, тадбиркорлар ва ишчи кучи ўртасидаги ҳамкорлик ҳуқуқи”ни тарғиб қилишга қаратилган дастурларни қабул қилишга кўмаклашиш мажбурияти кўрсатилган [5]. Шундай қилиб, ХМТ Уставига қўшилган мамлакат юқоридаги мажбуриятларни халқаро шартнома сифатида ўз зиммасига олади.

Бирлашиш эркинлигига бағишланган биринчи конвенция 1921 йилда қабул қилинган. Бу ўринда сўз Қишлоқ хўжалигида меҳнаткашларнинг бирлашиш ва уюшишга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция ҳақида бормоқда [6, Б.170]. Унинг моҳияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида ишлайдиган ишчилар бирлашиш эркинлиги борасида саноат соҳаси ишчилари билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлишлари керак. ХМТ фаолиятининг дастлабки даврида ушбу Конвенция қоидаларини амалга оширишдаги мураккаблик шу билан изоҳланадики, бу даврда ҳали ишчиларга, шу жумладан саноат соҳаси ишчиларига бирлашиш ҳуқуқини тақдим этадиган ХМТнинг универсал ҳужжати мавжуд эмасди.

ХМТ доирасида бирлашиш эркинлигига тааллуқли универсал конвенцияни қабул қилишга дастлабки уриниш 1927 йилга тўғри келади. Бироқ, ўша пайтда ишчилар ва иш берувчилар уюшмаларининг вакиллари конвенциянинг мазмуни бўйича ўзаро муроСага келиша олмадилар [7, Б.281]. Иш берувчиларнинг вакиллари бирлашиш ҳуқуқининг мазмунига “салбий” бирлашиш эркинлигини, яъни касаба уюшмалари фаолиятида қатнашмаслик ҳуқуқини ҳам киритиш кераклигини қатъиян талаб қилдилар. Бу эса “ёпиқ дўкон” (инглизча - *closed shop*) шартномаларига боғлиқ бўлган ўша даврдаги касаба уюшма ҳаракатига жуда катта зарба бериши мумкин эди. Иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида тузиладиган “ёпиқ дўкон” шартномаларига мувофиқ, иш берувчилар тегишли касаба уюшмасига аъзо бўлмаган ходимларни ишга ёллаш ҳуқуқига эга эмасдилар. Бу касаба уюшмалари учун шу қадар муҳим шарт эдики, улар “ёпиқ дўкон” шартномалари тузишни тақиқловчи конвенцияни қабул қилишдан кўра, бундай қоидаларни кўзда тутувчи конвенцияни умуман қабул қилмасликни афзал кўришди [8, Б.202].

ХМТ бирлашиш ҳуқуқига тааллуқли ҳужжатларни қабул қилиш масаласига 1940-йилларнинг иккинчи ярмида яна қайтади. Бирлашиш эркинлиги принципини ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган энг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди – булар, биринчи навбатда, ХМТнинг иккита фундаментал конвенцияси эди: Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1948 йилги 87-сон конвенция ва Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-сон конвенция.

Ушбу иккита Конвенция ХМТнинг Бирлашиш эркинлиги қўмитаси томонидан, бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқига оид кўплаб принципларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қўмита томонидан ишлаб чиқилган бирлашиш эркинлиги принциплари халқаро меҳнат ҳуқуқининг ўзига хос прецедентига айланди. М.Махаматовнинг ҳақли эътироф этишича, мазкур ҳуқуқнинг аҳамияти 1998 йилги ХМТнинг Меҳнат соҳасидаги асосий принциплари ва ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинганидан сўнг янада мустаҳкамланди [9, Б.86], [10, Б.17].

Қайд этиш лозимки, ХМТ доирасида бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш масалаларига алоқадор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи шаклланган. Хусусан, Мустамлака ҳудудларда бирлашиш ҳуқуқини тартибга солиш масалаларига ХМТнинг 1947 йилги Бирлашиш ҳуқуқи ва меҳнат низоларини тартибга солиш (метрополиядан ташқари ҳудудлар) тўғрисидаги 84-сон конвенция бағишланган. Ушбу конвенция фақат бундай мустамлака ҳудудларга эга бўлган тўртта давлат (Бельгия, Буюк Британия, Янги Зеландия ва Франция) томонидан ратификация қилинган ва ҳозирги кунда ўз долзарблигини йўқотган. Бирлашиш эркинлигига бўлган ҳуқуқни амалга ошириш бевосита Уч томонлама маслаҳатлашувлар (халқаро меҳнат стандартлари) тўғрисидаги 1976 йилги 144-сон конвенция ва у билан боғлиқ Тавсия қоидаларида ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, Иш берувчилар билан муносабатларда ишчилар вакилларининг мақоми масаласига Меҳнаткашлар вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги 135-сон конвенция ва шу ҳақдаги 143-сонли Тавсия, ходимлар алоҳида тоифаларининг бирлашиш ҳуқуқи масалаларига 1975 йилги Қишлоқ меҳнаткашлари ташкилотлари тўғрисидаги 141-сон конвенция ва шу номдаги 149-сон Тавсия бағишланган.

Халқаро Меҳнат Конференцияси 1952 йилда Касаба уюшмаси ҳаракатининг мустақиллиги тўғрисида резолюция қабул қилган. Резолюциядан кўзда тутилган мақсад касаба

уюшмаларининг давлатдан мустақиллигини таъминлаш эди. Бунда касаба уюшмалари ва сиёсий партиялар ўртасидаги алоқаларни чеклаш эмас, балки касаба уюшмалари давлат томонидан тўлиқ назорат қилинадиган вазиятга йўл қўйилмаслиги назарда тутилади [12]. 1970 йилда Касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари билан алоқаси тўғрисида ХМТнинг резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюция касаба уюшмаларига нисбатан асосий инсон ҳуқуқларига риоя қилиш зарурлиги таъкидланди. Резолюциянинг иккинчи қисмида касаба уюшма фаолларининг қуйидаги фуқаролик ҳуқуқлари келтирилган: а) касаба уюшма фаолларини ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ва тутиб туришга йўл қўйилмаслиги; б) ўз фикрини ҳеч қандай аралашувсиз ифода этиш эркинлиги, давлат чегараларидан қатъи назар, ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидан холис ахборот олиш ҳуқуқи; с) йиғилишлар эркинлиги; адолатли ва холис суд қилиш ҳуқуқи; д) касаба уюшма ташкилотларининг мулкани ҳимоя қилиш ҳуқуқи [13]. Ушбу резолюция таъсири остида ХМТнинг Бирлашиш эркинлиги қўмитасининг кўплаб қарорлари қабул қилинди, уларда бирлашиш эркинлиги принциплари шакллантирилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича энг муҳим минтақавий халқаро ҳужжатлар у ёки бу тарзда бирлашиш ҳуқуқига таъсир қилади. Европа Кенгаши даражасида 1996 йилдаги Европа ижтимоий партияси амал қилади, унинг 5 ва 6-моддалари ходимлар ва иш берувчиларнинг жамоавий меҳнат ҳуқуқларига тааллуқлидир [14]. Европа Кенгашининг 1950 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциясининг 11-моддасида кўзда тутилган касаба уюшмаларини тузиш ва уларга қўшилиш ҳуқуқи, шунингдек ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва зарур бўлган чекловлардан, хусусан демократик жамиятда миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби манфаатлари учун тартибсизликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, соғлиқ ва ахлоқни ҳимоя қилиш ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан ташқари ҳеч қандай тарзда чекланмаслиги лозим [15]. Европа Иттифоқи доирасида бирлашиш эркинлиги 1989 йил 9 декабрдаги Ишчиларнинг асосий ижтимоий ҳуқуқлари тўғрисидаги хартиясида, шунингдек 2000 йил 7 декабрдаги Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар хартиясида кўзда тутилган.

У ёки бу шаклда бирлашиш ҳуқуқи 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича Америка декларациясида, 1948 йилги Америка давлатлари ташкилоти хартиясида, 1969 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясида, 1966 йилги Араб давлатлари лигасининг меҳнат стандартлари тўғрисидаги конвенциясида мустаҳкамланган. Африка бирлиги ташкилоти доирасида қабул қилинган 1981 йилги Инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси, 1993 йилги Меҳнат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Шимолий Америка шартномаси, МЕРКОСУРнинг Ижтимоий-меҳнат декларацияси ва бошқа бир қатор минтақавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқининг таркибий элементлари. Бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини самарали тан олиш ХМТ томонидан иш соҳасидаги асосий принциплар орасида тасодифан биринчи ўринга қўйилмайди. Гап шундаки, ушбу принципни амалга ошириш ҳам мақсад, ҳам воситадир: агар ходимлар касаба уюшмаларини тузиш ва жамоавий битимлар тузиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдалана олсалар, улар бошқа ҳар қандай ижтимоий ҳуқуқларни шартнома асосида олишлари мумкин бўлади.

XX асрнинг ўрталарига оид Британиядаги ҳуқуқий қарашларда, ҳатто жамоавий битимлар пайтида ходимлар томонидан эришилган ҳуқуқлар қонун билан уларга берилган ҳуқуқлардан кўра муҳимроқ, деган таъсирли фикр ҳам мавжуд эди [8, Б.208]. Бирлашиш эркинлиги, агар давлат уч томонламалик (трипартизм)нинг устуворлигидан келиб чиқса, инсоннинг бошқа барча ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш учун асосдир. Бирлашиш эркинлигини ҳақиқатдан ҳам самарали таъминлаш учун қонунчиликда маълум ҳуқуқларни шунчаки мустаҳкамлаш етарли эмас, жамиятнинг ўзида фуқаролик жамияти институти сифатида мустақил касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг кучли тизими пайдо бўлиши муҳимдир.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатидан кўриниб турибдики, бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқи муаммоси ҳақиқатан ҳам мазмунан жуда катта. Ушбу масалага оид саволларнинг бутун блокани қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

а) бирлашиш ҳуқуқининг ўзи, яъни касаба уюшмалари ва иш берувчилар уюшмаларини тузиш ҳамда улар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи;

б) жамоа музокаралари олиб бориш ва жамоавий шартномалар тузиш;

в) ходимларнинг вакилларига ахборот бериш ва улар билан маслаҳатлашиш тартиб-қоидалари;

д) иқтисодий характердаги меҳнат низоларини ҳал қилиш (манфаатлар тўғрисидаги низолар).

Ишчилар ва иш берувчилар ташкилотларини тузиш ва уларда иштирок этиш ҳуқуқи кўпинча фақат касаба уюшмаларига тааллуқли деб қабул қилинади, аммо унинг аксарият элементлари ишчилар ва иш берувчилар ташкилотларига тенг равишда тегишлидир. Умуман қайд этиш лозимки, ХМТнинг 87 ва 98-сонли конвенциялари мазмунига асосланиб, бирлашиш ҳуқуқи битта ҳуқуқ эмас, балки ушбу икки Конвенцияда санаб ўтилган жуда катта ҳуқуқлар тўпламидир. 87-сонли конвенциянинг 2-8 моддаларига кўра меҳнаткашлар ва иш берувчилар, ҳеч бир чеклашларсиз, ташкилот таъсис этиш ва фақат ушбу ташкилотнинг қоидаларига бўйсунган ҳолда, ўзлари танлаган ташкилотга олдиндан рухсат олмасдан қўшилиш ҳуқуқига; меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари ўзларининг низомлари ва қоидаларини тузиш, вакилларини мутлақ эркин сайлаш, маъмуриятини ва фаолиятини ташкил қилиш, дастурларини баён этиш ҳуқуқига эгадир [16]. Давлат органлари мазкур ҳуқуқни чекловчи ёки унинг қонуний амалга оширилишига қаршилик қилувчи ҳар қандай аралашувдан тийилиши керак. Меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари маъмурий орган томонидан асоссиз тарқатиб юборилиши ёки вақтинчалик тақиқланишига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, 87-сонли конвенцияни ратификация қилган давлатлар унинг 11-моддасига мувофиқ “меҳнаткашлар ва иш берувчилар бирлашиш ҳуқуқини эркин амалга оширишини кафолатлаш мақсадида барча зарур ва керакли чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади” [16].

Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-сонли конвенция бирлашиш ҳуқуқига оид қуйидаги қоидалар билан тўлдирилган. Конвенцияга кўра, меҳнаткашлар иш билан таъминланишида бирлашмалар эркинлигини чеклашга қаратилган ҳар қандай камситиш ҳаракатларига қарши тегишли ҳимоядан фойдаланадилар. Шунингдек, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари ўз ташкилотларини тузишда, уларнинг фаолиятида ва бошқаришда бир-бири томонидан ёки бир-бирининг агентлари ёки аъзолари томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай аралашувга қарши тегишли ҳимоядан фойдаланадилар [11]. Юқорида таъкидланган иккала конвенцияда ҳам қуролли кучлар ва полицияга нисбатан бирлашиш ҳуқуқидан фойдаланиш миллий қонунчиликнинг ихтиёрида қолдирилган. 98-сонли конвенцияда кўзда тутилган кафолатлар қуролли кучларга ва полицияга нисбатан қай даражада қўлланилиши миллий қонун ҳужжатлари томонидан белгиланиши мустаҳкамланган. Бу эса давлат хизматчиларининг бирлашиш ҳуқуқига тааллуқли бўлган махсус конвенция ва тавсиянинг (151-конвенция ва 159-тавсия) қабул қилинишига сабаб бўлган.

“Ижобий” ва “салбий” бирлашиш ҳуқуқи. Аввало, 87-сонли конвенциянинг 2-моддаси таҳририда “ҳуқуқ” сўзининг ўзига эътибор қаратиш лозим. Юқорида айтиб ўтилганидек, 1927 йилда ХМТ иш берувчилар вакиллари конвенция лойиҳасига ишчиларнинг касаба уюшмаларида қатнашмаслик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун, яъни “салбий” бирлашиш эркинлиги деб аталувчи қонун киритишни талаб қилганлиги сабабли бирлашиш эркинлиги тўғрисидаги конвенция қабул қилинмади. 87 ва 98-сонли конвенцияларда ушбу масалалар тўғридан тўғри ёритиб берилмайди.

ХМТ назорат қўмиталари ишчиларни касаба уюшмаларида иштирок этишга мажбурлаш масаласига “касаба уюшмаси хавфсизлиги чоралари” сифатида кенгроқ ёндашадилар. ХМТ назорат органларининг нуқтаи назарига кўра, агарда касаба уюшмаси хавфсизлиги чоралари ишчилар ва иш берувчилар ташкилотлари ўртасидаги эркин музокаралар натижасида қабул қилинса, у ҳолда 87-сон конвенция билан ҳамоҳангдир. Шу билан бирга, мажбурий аъзолик тўғрисидаги талаб қонуннинг ўзи билан қўйиладиган бўлса, ХМТ Экспертлар қўмитасининг фикрича, ишчиларнинг ўз танловига кўра ташкилотлар тузиш ва уларга аъзо бўлиш ҳуқуқини амалга ошириши қийинлашиши мумкин.

“Бирор-бир фарқларсиз” бирлашмалар тузиш. Мазкур элемент ишчилар ва иш берувчиларга нисбатан уларнинг бирлашмаларга уюшиши билан боғлиқ ҳолатларда бирор-бир тарзда камситмасликни назарда тутаяди. Ушбу ҳолатда камситишни тақиқлаш учта жиҳатга эга: биринчидан, ишчилар ва иш берувчиларни бирлашмаларга аъзолиги билан боғлиқ ҳолатда камситишдан ҳимоя қилади; иккинчидан, ишчилар ва иш берувчиларга бирлашиш ҳуқуқини амалга ошириш учун тенг имкониятлар тақдим этилади; ва ниҳоят, учинчидан, ушбу

ҳуқуқ ишчилар ва иш берувчилар бирлашмалари ўртасида тенгликни назарда тутати. Касаба уюшмаси тенглигининг *биринчи жиҳати* – ишчиларнинг касаба уюшмасига аъзолиги ва иш берувчиларнинг бирлашмаларга аъзолиги билан боғлиқ ҳолда камситишга йўл қўймаслик ҳисобланади. Касаба уюшмалари фаолларига нисбатан камситишга йўл қўймаслик улар учун махсус ҳуқуқий кафолатлар тақдим этишни назарда тутати. Бу ўринда сўз бундай ходимларни интизомий жазолардан ҳимоя қилиш ва уларга касаба уюшмаси фаолиятини амалга ошириш имкониятини тақдим этиш ҳақида бормоқда. Бундай кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасида кўзда тутилган [17].

Иккинчи ҳолатда бирлашмаларда иштирок этишга имконият бериш борасида камситиш билан боғлиқ масалалар вужудга келади. Бундай хусусиятга эга чеклашлар камситишнинг анъанавий мезонлари (фуқаролиги, маълум жинсга тегишлилиги, ирқи каби) билан боғлиқ бўлиши мумкин. Фуқаролик белгиси бўйича камситиш борасида ХМТнинг Экспертлар қўмитаси қуйидагиларни таъкидлайди: кўпгина мамлакатларнинг қонунчилигида фуқаролик белгисига кўра бирлашмалар ташкил этишга нисбатан озми-кўпми чекловлар қўйилган. Баъзи давлатларда фуқаролик касаба уюшмасини ташкил этиш учун шарт бўлиб хизмат қилса, бошқаларида эса мамлакат фуқаролари касаба уюшмаси аъзоларининг маълум бир қисмини ташкил этиши лозим [18]. Касаба уюшмаларида иштирок этишда тенг имкониятлар принциpidан ягона истисно сифатида ХМТнинг Бирлашиш эркинлиги бўйича қўмитаси бошқарув персоналининг бошқа ишчилар билан биргаликда умумий касаба уюшмаларида иштирок этиш ҳуқуқини чеклашни тан олади. Бу бирлашиш эркинлигининг бошқа принципи – иш берувчиларнинг касаба уюшмаси фаолиятига аралашишига йўл қўймаслик ва ишчилар турли тоифаларининг манфаатлар тўқнашувидан қочиш зарурати билан боғлиқ. Аммо, бу раҳбар ходимларни ўзларининг алоҳида касаба уюшмаларини ташкил этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Бирлашиш эркинлиги соҳасида тенгликнинг *учинчи жиҳати* бир бирлашмани бошқа бирлашмаларга нисбатан ҳуқуқларда камситмаслик ва “касаба уюшмаси фаворитизми”ни амалга оширишга йўл қўймасликни кўзда тутати. Шу билан бирга, бу ишчилар ва иш берувчиларнинг барча бирлашмалари мутлақ бир хил ҳуқуқлар тўпламига эга бўлиши шарт, деган маънони англатмайди. ХМТнинг Экспертлар қўмитасининг ҳам, Бирлашиш эркинлиги бўйича қўмитасининг ҳам нуқтаи назарига кўра, нисбатан аъзолари кўп бўлган касаба уюшмалари қўшимча ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

“Олдиндан рухсат олмадан” ташкилотлар тузиш. Мазкур ҳуқуқ шуни англатадики, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашмалар таъсис этувчи ишчилар ва иш берувчилар ушбу масалада давлат органларининг бирор-бир қарорига боғлиқ бўлиб қолмаслиги, рўйхатга олиш тартиби хабардор қилиш хусусиятига эга бўлиши лозим. ХМТ Бирлашиш эркинлиги бўйича қўмитасининг нуқтаи назарига кўра, касаба уюшмалари ёки иш берувчилар бирлашмаларини ташкил этиш ҳуқуқи ташкилотни таъсис этиш факти борасида ҳам, унинг низоми ёки регламентини тасдиқлаш борасида ҳам бирор-бир шартларга боғлиқ бўлмаслиги керак [18]. Бу бирлашмаларнинг таъсисчилари жамоат ташкилотини рўйхатга олишда зарур бўлган одатдаги расмийчиликлардан озод қилинишини англатмайди, албатта. Шу билан бирга, бундай расмийчиликлар ташкилотни рўйхатга олишни тўхтатиб қўядиган тарзда қўлланмаслиги лозим [6, Б.181].

Хулоса сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокаралари олиб бориш ҳуқуқи ХМТнинг бутун фаолияти давомида энг муҳим қадриятларидан бўлган фундаментал ҳуқуқлардан ҳисобланади. Давлатларнинг мазкур масала бўйича ҳар қандай махсус конвенцияларни ратификация қилиш фактидан қатъи назар, ХМТ Уставига қўшилиши мазкур ҳуқуққа риоя қилишни назарда тутати.

2. Бирлашиш эркинлиги принципини ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган энг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, авваламбор, ХМТнинг иккита фундаментал конвенцияси – Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1948 йилги 87-сон ҳамда Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-сон конвенциялар ҳисобланади.

3. Ҳозирда ХМТ доирасида бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш масалаларига алоқалар халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи шаклланган.

4. Ишчилар ва иш берувчиларга нисбатан уларнинг бирлашмаларга уюшиши билан боғлиқ ҳолатларда бирор-бир тарзда камситмаслик учта жиҳатга эга: биринчидан, ишчилар ва иш берувчиларни бирлашмаларга аъзолиги билан боғлиқ ҳолатда камситишдан ҳимоя

қилади; иккинчидан, ишчилар ва иш берувчиларга бирлашиш ҳуқуқини амалга ошириш учун тенг имкониятлар тақдим этилади; учинчидан, ушбу ҳуқуқ ишчилар ва иш берувчилар бирлашмалари ўртасида тенгликни назарда тутди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. ILO Declaration on Fundamental Principles and Rights at Work (1998), as amended in 2022 // https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:62:0::NO:62:P62_LIST_ENTRIE_ID:2453911:NO.
2. Universal Declaration of Human Rights // <https://www.un.org/sites/un2.un.org/files/2021/03/udhr.pdf>.
3. International Covenant on Civil and Political Rights // <https://www.ohchr.org/sites/default/files/ccpr.pdf>.
4. International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights // <https://www.ohchr.org/sites/default/files/cescr.pdf>
5. Declaration concerning the aims and purposes of the International Labour Organisation (Declaration of Philadelphia) // https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:62:0::NO:62:P62_LIST_ENTRIE_ID:2453907:NO#declaration.
6. Swepston, Lee. Human rights law and freedom of association: Development through ILO supervision. International labour review. Vol. 137 (1998), №2. – P.170 // <http://www.ilo.int/public/english/revue/download/pdf/swepston.pdf>.
7. Creighton B. Freedom of Association // Comparative Labour Law and Industrial Relations in Industrialized Market Economies / R. Blanpain (ed.), Wolters Kluwer, 2007. 9th ed. – P. 281.
8. Гусов К.Н., Лютов Н.Л. Международное трудовое право: учебник. - Москва: Проспект, 2014. – С. 202.
9. Махаматов, М. (2020). Бирлашиш эркинлиги принципининг Ўзбекистон қонунчилигига имплементацияси. Обзор законодательства Узбекистана, 1(3), 86-88.
10. Махаматов, М. (2019). Ўзбекистон Республикасининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Тошкент. – 2019.
11. C098 - Right to Organise and Collective Bargaining Convention, 1949 (No. 98) // https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312243:NO.
12. ILO Resolution concerning the Independence of the Trade Union Movement // <https://guide-supervision.ilo.org/wp-content/uploads/2021/11/Resolution-concerning-trade-union-rights-and-civil-liberties.pdf>.
13. ILO Resolution concerning Trade Union Rights and Their Relation to Civil Liberties [Committee on Trade Union Rights] // https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/how-the-ilo-works/departments-and-offices/jur/legal-instruments/WCMS_428590/lang--pt/index.htm
14. European Social Charter // <https://www.coe.int/en/web/compass/european-social-charter>.
15. Convention for the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms // https://www.echr.coe.int/documents/convention_eng.pdf.
16. C087 - Freedom of Association and Protection of the Right to Organise Convention, 1948 (No. 87) // https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312232:NO.
17. Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари тўғрисида” ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/4631281>.
18. ILO. Freedom of Association: Digest of decisions and principles of the Freedom of Association Committee of the Governing Body of the ILO. Geneva, International Labour Office, Fifth (revised) edition, 2006 // https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---normes/documents/publication/wcms_090632.pdf.